



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2005 йил 18 март, № 52 (3597)

Жума

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ



СУРАТДА: учрашув пайти.

Абдувоҳид ТҶАРАЕВ олган сурат.

ЛЮБЛЯНА, 17 март. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилди).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов "Брдо" қасрида Словения ташқи ишлар вазири, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Димитрий Рупелни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Словениянинг халқаро масалалар бўйича ҳамкорлигига, мамлакатимизнинг ЕХТ билан муносабатларига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислам Каримов Словения Давлат йиғинига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбарининг Словения Давлат йиғини раиси Франце Цукьяти ҳамда парламент фракциялари вакиллари билан учрашувда парламентлараро ҳамкорликка оид масалалар ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбарининг Словения Бош вазири Янез Янши билан муокараларида икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласи муҳокама этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Словения Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Франция пойтахтида халқимизнинг суюкли айёми Наврўзи оламга бағишлаб зардўзлик маҳсулотлари, сўзана ва миниатюралар кўргазмаси очилди.

Парижда Наврўз нафаси

Париж шаҳар департаментининг мэри Пьер Татанжэ тадбирнинг очилиш маросимидаги чиқишида ушбу кўргазманинг ташкил этилиши шаҳар маданий ҳаётидаги ўзига хос ва аjoyиб тадбир сифатида ёдда қолажагини таъкидлади.

Кўргазманинг очилиш маросими доирасида намойиш этилган ўзбек раққосларининг маданий дастури ҳам тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Халқимизнинг зардўзлик санъати, сўзана ва миниатюралари намуналаридан иборат ушбу кўргазма уч ой давомида нафақат Париж шаҳрида, балки Франция ва Испаниянинг яна бошқа қатор шаҳарларида ҳам намойиш этилади.

Файрат ШУКУРОВ, "Жаҳон" АА мухбири. Париж.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

15-17 март кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Эркин Халилов олиб борди. Депутатлар даставвал «Рада-Мажлис» овоз бериш электрон тизими ишини назорат қилиш гуруҳини туздилар. Сўнгра лойиҳаси куйи палата Кенгаши томонидан тавсия этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Депутатлар кун тартибига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмиталарини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга киришдилар. Сиёсий партиялар фракциялари ўртасида мувофиқлаштирилган таклифларга биноан депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг барча — ўнга қўмитаси таркибини сайладилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Муваққат регламенти лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Ушбу ҳужжат муҳокамасида депутатлардан Р. Собиржонов, Ш. Умарова, А. Рустамов, Д. Тошмухамедова, У. Исмоилов, А. Маматов, А. Турсунов, А. Зиё, И. Насриев, Х. Ҳақимов, А. Раҳимов, А. Аҳадов, Э. Юсуповлар иштирок этидилар. Муҳокама чоғидаги таклифлар ҳисобга олинган ҳолда муваққат регламент тасдиқланди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламентини ишлаб чиқиш учун комиссия ҳам тузилди. Спикер ўринбосари М. Сафаева раҳбар бўлган ушбу комиссия таркибига

қўмиталар раислари ва сиёсий партиялар фракцияларининг раҳбарлари киритилди.

Қонунчилик палатасининг мажлисида эълон қилинган танаффус вақтида қўмиталар ва сиёсий партиялар фракцияларининг мажлислари бўлиб ўтди. Уларда қўмиталар қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятининг ҳамда улар ўтказадиган тадбирларнинг 2005 йилга мўлжалланган режалари лойиҳалари муҳокама қилинди. Мажлисларда билдирилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда ҳужжатлар кўриб чиқиш учун парламент қуйи палатасига тақдим этилди.

Танаффусдан сўнг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А. Аҳадов, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов, Мехнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси И. Насриев қўмита қонунчилик ҳамда назорат-таҳлил фаолиятининг 2005 йилга мўлжалланган режасини шакллантиришнинг бориши тўғрисида, шунингдек, жорий йилда ўтказиладиган тадбирлар ҳақида ахборот бердилар.

Барча қўмиталар ва сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган муҳокама ва савол-жавоблар, билдирилган таклифлар, фикр-мулоҳазалардан сўнг маърузачилар ахборотлари маълумот учун қабул қилинди.

Бошқа қўмиталар режалари лойиҳаларининг муҳокамаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кейинги мажлисларида давом эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатида

Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан шу йил 17 март кунини ўтказилган давра суҳбати мамлакат парламенти юқори палатаси фаолиятини ташкил этиш масалаларига, сенаторлик ваколатларини амалга оширишдаги фаоллик омилларига бағишланди.

Унда Сенат қўмиталари раислари, сенаторлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, илмий муассасалар ва олий ўқув юртимизнинг масъул ходимлари ҳамда иммовий ахборот воситалари вакиллари иштирок этидилар.

Давра суҳбати катнашчилари жойларда сенаторлар ишини ташкил этиш, уларнинг юқори палата қўмиталарида сенаторлик фаолиятини олиб боришининг шакли ва усулларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Бинобарин, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида таъкидланганидек, икки палатали парламентни шакллантиришдан кўзланган асосий мақсадлардан бири умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш бўлиб, бунда маҳаллий Кенгашлар вакилларида иборат юқори палата — Сенат ҳудудий вакиллик органи вазифасини бажаради. Шу бос анжуманда сўз олганлар сенаторларнинг қонунчилик фаолияти ҳамда парламентнинг юқори палата-

си қўмиталари таркибида олиб борадиган ишларини пухта ташкил этиш масалаларини атрафлича муҳокама этишди.

Шунингдек, давра суҳбатида парламент сўрови, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунларга қандай риоя этилаётганлиги ҳусусидаги ахборотлари Сенат қўмиталари мажлисларида эшитилиши мўҳим эканлиги алоҳида таъкидланди. Сенаторларнинг ҳуқуқий мақоми ҳақида сўз юритилар экан, уларнинг аҳоли билан бевосита олиб борадиган ишларини ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди. Амалий тавсиялар берилди. Сенатнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари билан ҳамкорликдаги ишларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш йўллари ҳақида ҳам батафсил фикрлашиб олинди.

Давра суҳбатида Сенат фаолияти самарадорлигини оширишга тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Зиёда АШУРОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, комиссия раиси А.Орипов бошқарди.

Йиғилиш иштирокчилари "Оммавий коммуникация соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва "Телерадио-

эшитириш соҳасида радиочастота спектрдан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар ва ҳар иккала масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ижро интизомини янада мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидладилар.

Шунингдек, комиссия йиғилишида телерадиодастурларни тарқатиш билан шуғулланаётган

ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти мониторингини натижалари тўғрисидаги ахборот тинланди. Мониторинг орқали чуқур таҳлилни давом эттириш ва комиссиянинг ҳар бир йиғилишига унинг натижалари ҳақида маълумот тақдим этиш зарурлиги таъкидланди.

Комиссиянинг ишчи гуруҳи аввал қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан ахборот берди. Телерадиодастурларни тарқатиш билан шуғулланадиган қатор ҳўжалик юритувчи субъект-

ларнинг қўшимча канал очиш ва қамров ҳудудини кенгайтириш, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризалари кўриб чиқилди.

Республикада мавжуд FM радиоларнинг эшитиришлари сифати ва савиясини янада яхшилаш лозимлиги таъкидланди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

БУНЁДҚОРЛИК СОЛНОМАСИ

Термиз... она юртимизнинг тарихи. Мамлакатимизнинг Жанубий дарвозаси. Ҳар қарич тупроғи қанча сир-синоатга, бетимсол бойликларга эга бўлган шу заминнинг нафақат юртимиз тарихига, балки дунё цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссасини ёритиб бериш мақсадида олиб борилаётган улкан ишларни эндиликда бутун жаҳон аҳли тан олмоқда.

Ислам КАРИМОВ.



ТЕРМИЗ — САРҲАДЛАРИ ТАБАРРУК ЗАМИН

"Халқ сўзи"нинг 9 февраль сониди «Ҳазрат, пойингида боғлар гулабай» сарлавҳали публицистик мақола билан «Бунёдқорлик солномаси» руҳини очилган эди. Мазкур туркумдаги иккинчи чиқиш пойтахтимиздаги қурилиш ишларига бағишланган эди (23 февраль, «Эски шаҳарнинг янги тарихи яратилмоқда»). Бугун ана шу руҳи остидаги УЧИНЧИ ҲИКОЯНИ эътиборингизга ҳавола қиламиз.



ва Шохруҳ мирзолар боболари хайрихоҳ бўлган Термизнинг осойишталигини сақлаш ва обод қилишга алоҳида эътибор берганлар. Уста Хошим Мухаммаднинг Улугбек расадхонаси учун юлдузларни кузатишга устуруб асбобини ясаб бергани ҳам термизийларнинг Амрзодалар билан борди-келди алоқалари мустаҳкам бўлганини кўрсатади. Соҳибқирон билан ҳамсуҳбат бўлган испан элчиси Гонсалес де Клавихо шаҳарнинг кўркам ва йирик-лигидан ҳайратланиб ёзгани ҳам фикримизга қувватдир. Манзилимизга етиб бориш учун кунини буйи шаҳар оралаб юрдик, — деган эди Клавихо.

Энди испан элчисининг бу сўзларини ордан 600 йил ўтиб ўқиган бир термизлик ҳамкасбимиз, меҳнат фахрийси Фарид Шамановнинг гапларига эътиборингизни қаратсак.

— Утган асрнинг саксонинчи йилларида ҳам Термиз, тўғриси, либоси жулдургина шаҳарча эди, — дейди Шаманов. — Йигирматача ҳарбий қисм жойлашган пасткам гарнизонлар. XX аср бошида қурилган Тупроққўрғон. Жангал дарактлар буталаб кетганидан кундузи ҳам қоронгилашиб турадиган иккита-учта боғ. Қўчалар, уйлар ҳаммаси бир-бирига ўшарди. Уйларнинг деворларига «тулик», «перелюк» деган ёзувлар қистириб ташланганди. Виллоятнинг бош шифоҳонаси, ишонаверинг, тўқсонинчи йилгача —

олдинлари ҳарбийларнинг отхоналари бўлган иморатларда ишлади. Шаҳарда оқар сув иншооти йўқ, бозорлари ивирсиган эди.

Шамановнинг бу гурунги бошқа, ўзим эшитган иккинчи бир суҳбатни ёдимга туширади. Кўп йиллар Термиз ўқитувчилар тайёрлаш институтига раҳбарлик қилган сурхондарилик академик Назар Йулдошев бир воқеани ҳикоя қилувди. У айтувдики, 1988 йилми, Термизга иззатли меҳмон келган. Меҳмоннинг Абу Исо Имом ат-Термизий Ҳазратларининг қабрларини зиёрат қилиш нияти борлигидан мезбонлар шошиброқ қолишган. Чунки азза-баззадай одамлар Ҳазратнинг руҳи поклари ором топан маскан қарддалигини, билмасликлари аён бўлиб қолганди. Сураганлар, суриштирганлар — топанлар.

Улар Шеробод туманининг Чуқурқўл қишлоғига борадилар. Ислам оламидаги олти та буюк муҳаддисининг бири, ҳадис илмида «Сунан» йўналишига асос солган аллома, фикр илмининг пешқадам дониши Абу Исо Мухаммад ат-Термизийнинг муборак мақбаралари шу қишлоқнинг шарқий-шимолий томонида эди. Мақбарога борадиган йўл ноёб эди. Теварак-атроф қаровис. Мақбара деворлари тўқилган. Қошонлари қийшайган.

(Давоми. 2-бетда).

Тошкент ислом университетидида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда "Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция очилди. Унда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда ташкил этилган диний-маърифий масалаларни илмий тадқиқ этиш билан шуғулланувчи кафедралари ҳамда халқаро ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқдалар.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хуснидинов мамлакатимизда халқимизнинг миллий қадриятларини, урф-одатларини тиклаш ва кенг тарғиб этиш борасида улкан ишлар амалга ошириладиганини алоҳида таъкидлади. Юртимизда террорчиликка, диний ақидапарастлик ва экстремизмга қарши кураш борасида олиб борилаётган ишларнинг самаралари ҳақида тўхталди.

Анжуманда қайд этилдики, дунё халқларини хавотирга солаётган диний ақидапарастлик, экстремизм, терроризм сингари иллатларга қарши курашни кучайтириш

бугунги кунда долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бу хусусда алоҳида тўхталиб, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил бўлиб қолаётганига эътиборни қаратди.

Анжуманда "Маданиятлар ва динлараро таълимида янги жиҳатлар", "Экстремизм ва терроризмга қарши кураш стратегияси", "Диний-маърифий фаолият — диний экстремизм ва террорчиликка қарши курашишнинг муҳим

омили" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбир қатнашчилари мазкур университет фаолияти, бу ерда дунёвий ва диний билимларга эга мутахассисларни тарбиялаш учун яратилган имкониятлар билан танишди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов, Германиянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Ханс-Йоахим Кидерлен, ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн сўзга чиқди.

Олим НОРБЕКОВ,
Ў.А. муҳбири.

Любекнинг интернет саҳифасида Ўзбекистон мавзуси

Жорий йилнинг 11-15 март кунлари Германия пойтахтида ташкил этилган Халқаро сайёҳлик биржаси муносабати билан мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонасида "Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятини таъқимоти" мавзусига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтган эди.

Германиянинг Шлезвиг-Гольштайн федерал ўлкасида жойлашган Любек шаҳрининг интернетдаги марказий саҳифасида (www.hier-leubeck.de) ушбу тадбир тафсилотлари ҳақида ёзилган мақола эълон қилинди.

Унинг муаллифлари — ТВФ ахборот агентлиги журналисти Вольфганг Фрайвальд ва

ҳуқуқ фанлари доктори, Лион клуби президенти Христов Гауленнинг ёзишича, Ўзбекистоннинг Германия пойтахтидаги дипломатия ваколатхонасида бўлиб ўтган мазкур матбуот анжумани иштирокчилари, хусусан, маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг кўп сонли вакиллари бугунги Ўзбекистон, унинг дунёга донг кетган қўҳна ва бетакор осори атиқалари, мамлакатнинг ҳозирги сайёҳлик салоҳияти, хорижий сайёҳлар хавфсизлиги юқори даражада таъминланиши сингари масалалар юзасидан жуда кўп ва зарур ахборотларга эга бўлишди.

Бахриддин АСЛАНОВ,
"Жаҳон" АА муҳбири.
Берлин.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Музокаралар қолдирилди

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг Брюсселда бўлиб ўтган учрашувида Хорватиянинг иттифоққа кириши юзасидан ўтказилган музокараларни номаълум муддатга кечиктириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Аслида музокаралар 17 мартда бўлиб ўтиши кутилган эди. Бирок, Люксембург ташқи ишлар вазири Жан Ассельборннинг таъкидлашича, 25 давлатдан келган вакиллар бунга жиддий қаршилик билдиришган.

ЕИ фикрича, расмий Загреб Халқаро трибунал билан етарли даражада ҳамкорлик қилмапти.



Янги Бозорни эгалламоқчи

Автомобиль ишлаб чиқарувчи DaimlerChrysler компанияси Россияда завод қуриш масаласини кўриб чиқмоқда. Бу ҳақда компаниянинг Россиядаги вакили Герхард Хилгерд журналистларга маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, ҳозирда компания мутахассислари мамлакат бозорини ўрганишга шай.

Россияда компания ўз заводини қурадиган бўлса, яқин келажакда Mercedes, Chrysler ҳамда Jeep русумидаги автомашиналар ишлаб чиқарилади.

Россия маъқуллалашти

Россия Ташқи ишлар вазирлиги вакилининг маълум қилишича, расмий Москва Хитойнинг Тайванга нисбатан мамлакатнинг парчаланиб кетишига қарши фаолият тўғрисида қабул қилган қонунини қўллаб-қувватлайди. Ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайтыда айтилишича, Тайвань масаласи Хитойнинг ички иши ва унинг ҳар қандай ҳаракатини ҳам Россия маъқуллади.

Нефть баҳоси яна ошмоқда

ОПЕК ташкилоти нефть нархини барқарор ушлаб туришнинг уйдасидан чиқа олмайпти. Бир баррел нефтьнинг нархи яна 2.5 фоизга, яъни 56,46 долларга кўтарилди. Нархнинг бу тарзда ошиб бориши ОПЕК аъзоларини нефть қазиб чиқаришни 2 фоизга оширишга мажбур қилди. Бирок, мутахассисларнинг фикрича, нефть қазиб чиқаришнинг бу даражада кўпайтирилиши «қора олтин» бозорига у қадар таъсир кўрсатмайди.

Цунами хавфи бор

Жануби-Шарқий Осиё минтақасида яна қаттиқ zilзила бўлиши эҳтимоли бор ва бунинг оқибатида цунами келиб чиқиши мумкин. Британия геологлари худди шундай оғоҳлантириш билан чиқишди. Уларнинг таҳминларига кўра, минтақада яқин орада Рихтер шкаласи бўйича 7-7.5 баллик zilзила рўй беради.

Ёнидан қурол чиқди

АҚШ ҳукуматининг маълум қилишича, мамлакат худудидида бир гуруҳ шахслар қамоққа олинган. Айни пайтда улар АҚШда Россияда ишлаб чиқарилган ҳарбий қурол-яроғларни сотишга уринганлиқда гумон қилинмоқда.

Федерал кидирув бюроси ходимининг айтишича, гумон қилинаётган шахсларни қўлга олиш чоғида улар ёнидан «Калашников» автоматлари топилиган. Жиноятчилар ўз қуролларини террорчи гуруҳларга сотишни мўлжаллаётган бўлиши ҳам мумкин, дейилади бир неча маҳаллий газеталарда чоп этилган хабарларда.

Маъбуслар ўлдирилган

2002 йилдан буён Ироқ ва Афғонистондаги Америка қамоқхоналарида бир неча маъбус қўтиллик туфайли ҳалок бўлган. АҚШ Ҳарбий адлия департаменти ходимлари томонидан 79 нафар маъбуснинг ўлими сабаблари ўрганиб чиқилди. Таҳмин қилинишича, улардан 24 нафари қамоқхоналарда ўлдирилган. Бундан ташқари, Пентагон вакили Памел Хардинг айтишича, Америка ҳарбий қўлчлари маъбуслар билан қўпол муомалалда бўлгани юзасидан 308 та жиноий иш очилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ДОЛЛАР ТУШАЯПТИ, МЕТАЛЛ НАРХИ КЎТАРИЛАЯПТИ

Кеча дунё биржаларидаги савдоларда рангли металллар нархи яна кўтарилди. Мис нархи тарихда биринчи марта ҳар тоннасига 3300 АҚШ долларига чиқди. Иқтисодчиларнинг фикрича, биржа нархларининг бундай ошишига асосий сабаб — дунё иқтисодиётидаги ўсиш ҳамда доллар курсининг пасайиши бўлмоқда. Халқаро бозорда брокерлар бундан жуда унумли фойдаланиб қолишга уринишяпти. Таҳлил марказларининг маълумотларига кўра, мис нархининг 20 фоизи соф чайқовчилик устамасидир.

Лондон биржасидаги савдолар якунларига қараганда, мис фьючерслари пулини уч ойдан сўнг етказиб бериш шарти билан тоннасига 3270 долларга кўтарилган. Электрон тизимдаги савдоларда ҳам нархлар 3250-3260 доллар атрофида сақланиб қолди.

Доллар курси тушиб бораётган бир пайтда олтин нархлари ҳам юқори баҳолана бошланди. Ўтган ҳафта бу кўрсаткич кескин ортди. Рангли металллар бозоридидаги фаолликка, шунингдек, Австралиянинг тоғ-кон концерни — BHP Billiton ва WMCларнинг бирлашуви ҳамда мис ишлаб чиқарувчилар орасида Чилининг Codelco компаниясидан кейин дунёдаги иккинчи йirik компания ташкил этилганлиги ҳақидаги хабар ҳам таъсир қилган бўлиши мумкин.

Таҳлилларга кўра, февраль-март ойларида нархнинг ўсиши 17 турдаги асосий хомашёлар бўйича ўтказиладиган савдо — Reuters-SVB индексининг ҳам охириги 24 йил ичидидаги энг баланд нархга кўтарилишига сабаб бўлган. Нью-Йорк ва Токио биржаси иқтисодчилари нарх ўсишига олиб келган бошқа омиллар қаторида жаҳон иқтисодиётидаги жиддий ўсиш, элек-

троника, юқори ахборот технологиялари ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин кўпайганлиги, унга Хитой санъатидидаги талабнинг ошиши ҳамда геология қидирув ишлари ва металл хомашёларини казиб олишнинг қийинлашганлигини келтирмоқда.

Йirik сармоядорлар бу жараён яна давом этадиган бўлса, дунё мисидидаги талаб, хусусан, АҚШ, Хитой ва Япония томонидан мис ҳамда бошқа рангли металлларга талаб бундан ҳам орттиши мумкин, деб таҳмин қилишяпти. Япония — мис сотиб олиш бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Кутилмаганда Япония иқтисодиётида ижобий кўрсаткичларнинг юзага келиши металл бозоридидаги ҳозирги талаб сақланиб қолишига ишонч уйғотади. «Япония, Хитой, Марказий ва Жанубий Осиё, Россия ҳамда Европанинг баъзи мамлакатларидаги санъат ишлаб чиқаришнинг ўсиши шубҳасиз нархлар янада ошишига олиб келади», дейилади Financial Times газетаси таҳлилчилари.

Дастлабки маълумотларга қараганда, 2005 йилда дунё иқтисодиётидаги мис камомати 94 минг тоннага етади. Буюк Британия биржаси иқтисодчилари юқори-

да айтиб ўтилган икки йirik концернларнинг бирлашуви нархга жиддий таъсир кўрсатмайди, деб ҳисобланади. «Биринчидан, ҳозирги қонунчилик уларнинг нархи тулиқ ўз назоратига олишига йўл қўймайди. Иккинчидан, компанияларнинг бирлашуви ишлаб чиқариш харажатларини камайтириб, нархнинг ўсиши эмас, аксинча, пасайишига олиб келади», деб ёзилади Bloomberg таҳлилий сайтида.

Ўзбекистон Республикаси Мол-хонаш биржасидан олган маълумотларимизга кўра, сўнгги 20 кун ичидида мамлакатимиздаги биржа савдоларида ҳам металл маҳсулотларини нархда ўсиш кузатилади. Айниқса, республикада ишлаб чиқарилаётган ва қайта ишланган металл маҳсулотлари нархи кўтарилган.

Россиянинг металллар билан шуғулланувчи «Ренессанс капитал» инвестиция компанияси мутахассиси С.Мироновнинг фикрича, «2006 йилда талаб ва тақлиф тенглашади. 2007 йил бошига бориб металл қамомати йўқолиб, нарх аввалги ҳолига қайтиши мумкин».

Ботиржон ҒОҒУРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.



Хаваскорлар катта саҳнада

Юртимизда 103 та хаваскорлик театр жамоалари фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 43 тасига "Халқ хаваскорлик жамоаси" унвони берилган. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий методик маркази ҳамда Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда вилоятларда ва Қорақалпоғистонда ўтказилган танловларда голиб бўлган 14 жамоа ўз ижод намуналарини ҳакамлар ҳужмига ҳавола этишди.

Кеча Миллий академик драма театрида тадбирнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра, Бухоро вилояти Жондор тумани Халқ хаваскорлик жамоаси фестивал голиби деб топилди. Кўкюн шаҳридаги Занжирали Мирзаев номи, Гулистон шаҳридаги халқ театрлари жамоалари кейинги ўринларни банд қилишди. Голибларга қимматбахш совринлар топширилди.

Кеча сўнггида бундай фестивалларнинг ўтказилиши янги истеъдодларни топишда муҳим восита эканлиги таъкидланди ва уни ҳар икки йилда бир марта ўтказишга қелишиб олинди.

Ўз муҳбиримиз.



НАВРЎЗ — яшариш ва янгиланиш демак

Наврўз йил янгиланган, ҳар бир юртдошимизнинг қалбидида эгу орзулар чаманзоридида ажиб бир янгилини насими эсадиган бир даврда нишонланади.

Эгуликка эш бўлган бу қадимий байрам элу юртини бирлаштирадиган, одамларни бунёдкорликка ундайди.

Абу Райҳон Берунийнинг қайд қилишича, Наврўз «бахор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахлар гулладиган мевалар етилгунча, усимлик униб чиқа бошлашидан тақомиллашгунгача давом этган вақтда келади.

Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан кейин кўплаб унутилаётган қадриятларимиз қатори Наврўз байрами ҳам қайта тикланди. Азалдан чинакам халқона тантана сифатида байрам қилиб келинган Наврўз асл қиёфасига қайтди. Назаримизда, ушбу байрам ўз тарихий тараққиёти домида ҳеч қачон бизнинг кунлардагидек кадр топиб, бунчалик кенг миқ-

ёсда нишонланмаган. Эндиликда бу байрам мамлакатимиздаги барча халқларни ўзаро бирлаштирадиган, меҳнатсеварлик ва яратувчилик, тинчлик ва ҳурфикрлик, сержосиллик ва кут-баракат, меҳр-муруват ва эл-юрт ободончилиги ғоясини ташувчи умумхалқ шодибнаси сифатида ўлкаимизда кенг нишонланмоқда.

Наврўз арафасида маҳалла оқсоқоллари, қишлоқ фуқаролари йиғини фаоллари, корхона ва ташкилот раҳбарлари, ҳоҳимликлар, жамоат ташкилотлари вакиллари маслаҳатлашиб, ҳар бир жойда байрам тантаналарини тартибли ўтказишга бош-қош бўладиган сайилбошилари тайинлайдилар. Наврўз сайили ва театрлаштирилган томошаларнинг дастурлари ишлаб чиқилди. Бундай дастурларда ажодларимизнинг табиат, жамият ва коинот ҳақидаги илмий-фалсафий қарашлари, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, халқимизнинг ўзига хос анъаналари, турмуш тар-

зи бадиий-эстетик шаклларида ўз ифодасини топади.

Наврўз байрами учун ташкил этилган сайилгоҳлар ўша вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ, маҳалларнинг ўзига хослигини кўрсатадиган белги ҳамда рамзалар билан безатилган бўлиши шарт.

Шу кун эрта тонгдан сайилгоҳлар узра қарнай-сурнай наволари, қадимий халқ кўшиқлари, мумтоз ашуларга янграй бошлайди. Наврўз, баҳор, гул, ёшлик, тинчлик, фаровонлик, бунёдкорлик, истиқлол ва нури истиқболни тараннум этувчи кўшиқлар бутун мамлакатимиз узра баралла янграб, она диёримизда шуқули баҳорий сайил бошланганлигидан далолат беради.

Сайилгоҳнинг гавжум жойларига қурилган баланд дорларда ҳазна қорига тушган дорбозлар ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Масхарабозлар байрамга ташриф буюрган юртдошларимиз кўнглига самимий табасум ушлашадилар. Юзларида умидлар жилваланиб

турган болажонлар кўгир-қоқозларнинг ҳар бир ҳаракатию сўзларини ажабини томоша қиладилар. Айниқса, санъаткорларнинг чиқишлари учун мўлжалланган саҳналар, миллий унаромандчилик анъаналари ҳамда халқимизнинг қадимий турмуш тарзини акс эттирувчи экспонатлар ҳамда ёш истеъдодлар асарларидан туйилган кўрғазмалар сайилгоҳ кўрғида айланади. Халқимиз дилидан ўзларининг ширин нафаслари билан чуқур жой олган машҳур ҳофизлар, санъатнинг сеҳрли оламига эндигина қадам қўйиб келаётган ёш хонандалар кун бўйи ўз маҳоратларини намойиш этадилар: Юртдошларимизнинг она юрт равнақи ва истиқбол йўлидаги фидокорона меҳнати, миллий истиқлол, мустақиллик бахш этган улғу саодатнинг моҳияти, ватанпарварлик, меҳр-оқибат тўғрисидаги кўшиқлар дилларга гурур бағишлайди.

Сайилда халқ бахшилари анъанавий дostonлар билан бир қаторда бугунги воқеликни, халқимизнинг мустақиллик йилларида эришган жаҳоншумул ютуқларини мадҳ этувчи терма-кўшиқларни қўйлайдилар. Халқимизнинг қадимий кўшиқлари, маросим ва удумларини ўзига хос саҳнавий талқинини яратган фольклор-этнографик жамоалари ўзларининг Наврўз сайлига бағишлаб тайёрлаган дастурларини ижро этадилар. Сайилгоҳдаги бир нечта майдонларда ажодларимизнинг асрлар давомида анъанавий айилни қолган қадимий миллий томоша санъати намуналари — қўчқор, бедана, ҳўроз урштириш йўиллари ўтказилади. Тўйларда не-не алпларнинг курагини ерга тегишган азамат полковларнинг ўзаро беллашувлари ҳам жуда қизгин ўтади. Поёнсиз қир-адирлар бағрига тўпланган қишқибозлар эса қўпқари чопётган тулпорларнинг шижоатидан завланадилар.

Биз Наврўз сайлини ана шундай тасаввур қилишимиз ва жойларда шундай ўтишига аминимиз.

Тўро МИРЗАЕВ,
Моматкул ЖўРАЕВ,
филология фанлари докторлари.

Корхона чет эл автоматикаси билан жиҳозланган 15 кВт. дан 2000 кВт. гача бўлган газ, электр ва кўмир билан ишлайдиган сўв иситувчи қозонлар

ишлаб чиқаради ва сотади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Чирчиқ ш., «Кангли» к., 16-«А» уй.

Телефонлар: 8 (371-71) 54-791, 54-062, 8 (371) 100-99-03.

e-mail: harakat_2004@mail.ru

KLPT ИМТИХОНИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН

Korean Language Proficiency Test

Имтиҳон кун — 2005 йил 24 апрель.
Ҳужжат қабул қилишнинг бошланиши — 2005 йил 24 февраль.
Ҳужжат қабул қилишнинг охириги кун — 2005 йил 25 март.
Ҳужжат қабул қилиш жойи — «FAN KLAPT» МЧЖ ўқув маркази.

Қўшимча маълумот олиш учун телефон: 41-45-80. Манзил: Ўзбекистон, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Зулфияхоним к., 3-уй, «FAN KLAPT» ўқув маркази.

Корея Республикаси олий ўқув юртларида корей тилини ўрганиш учун ҳамда алоҳида шартнома асосида Кореяга ишга боровчилар учун.

http://www.klpt.com

KLPT сертификатини ҳақиқийдир. Хизматлар лицензияланган.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларга буюртмалар қабул қилади ва сотади.

Мулоқот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

«ГАЗ-31105»
«ИЖ-2717»
«ВАЗ-2106»
«ГАЗЕЛЬ»



«ЎЗПАХТАСАНОАТ»

чичимаси

барча
юртадошларимизни
баҳор ва бахт, шодлик
ва навқиронлик байрами —

Наврўзи олам

билан
табриклайди!



"Koka-Kola Ichimligi O'zbekiston MCHJ."

O'zbekiston xalqini va mehmonlarini

Navro'z bayrami bilan muborakbod etadi.

Baxt, omad va mustahkam

sog'lik doim hamrobingiz

bo'lishini tilab qoladi!

Coca-Cola Bottlers Uzbekistan Ltd.

«Ўздэу банк»




кўпмиллатли Ўзбекистон халқини, ўз мижозлари ва барча ҳамкасбларини

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан чин дилдан табриклайди!

Баҳор ва янгиликни байрами ҳар бир хонадонга фаровонлик ва файзу барака олиб кирсин!



Ушбу қуш айём кўнлаарида ҳаммага сўҳат-саломатлик, бахт-саодат ва барча орзулар рўйида чиққини тилайди.

Республикамизнинг энг йирик ва нуфузли банкларидан бири

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«ПАХТА БАНК»

Ўз акциядорлари ва мижозларини, барча Ўзбекистон халқини **Наврўз**

айёми билан чин дилдан табриклайди ва сўҳатга элди «БАҲОР»


муддатли омонат турини тақдир эллади!

Мазкур омонатга маблағлар 9 ой муддатга сақлаш шarti билан қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар уч ойда тўлаб бoрилади.

Шунингдек, «Пахта банк» сизлар учун қулай бўлган яна 12 турдаги манфаатли омонат турлари ҳамда сўм пластик карточкаларини тақлиф этади.

Сизнинг омонатларингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!



«Пахта банк» – фаровонлигингиз калитидир!



Наврўзни бирга нишонлаймиз!

ВЕСТЕРН ЮНИОН компанияси пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларини баҳор айёми – **НАВРЎЗ** билан табриклар, барчага эзгуликлар ва равнақ тилайди!

WESTERN UNION
ПУЛНИ ЖЎНАТИШ

Хизматлар лицензияланган

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЎБЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

АТ «Туронбанк»

халқимизни баҳорнинг энг гўзал байрами —

Наврўзи олам

билан самимий қутлайди.

Наврўз ҳар бир юртдошимизнинг хонадонига қувонч ва шодлик, файз-барака, тўқин-сочинлик олиб кирсин!

Бу тилга Наврўз ҳар биримиз учун бахт ва омад келтиришини Яратгандан сўраб қоламиз.



TURON BANK

Спорт

ПОЙТАХТГАЧА ПИЁДА

Нукусда умуммамлакат марафонининг биринчи йўналишига старт берилди

Спортнинг инсон саломатлигини мустаҳкамлашда нақадар муҳим урин тутуши барчага маълум. Якунланган йилнинг декабрь ойида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан Конституциянинг 12 йиллигига бағишлаб, "Биз ҳеч қандам кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз" шiori остида уммавий спорт харакати — Умуммамлакат марафонига асос солинганди. Ушбу спорт тадбири жузвий камчиликлардан холи бўлмаган бўлса-да, умуман муваффақиятли ўтди, деб баҳолаш мумкин. Унда мамлакатимизнинг минглаб аҳолиси фаол иштирок этди.

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастури доирасидаги умуммамлакат иккинчи марафони Наврўз байрамига бағишланди. Тадбири ўтказилган кўзланган асосий мақсад оммавий югуриш орқали аҳолининг кенг қатлами, айниқса, ўқувчи-бўларини спортга кенг жалб этишдан иборат, — дейди мусобақа ташкилотчиларидан бири, узоқ масофага югуриш бўйича таниқли ўзбек спортчиси, марафон бош ҳаками Ашур Нормуродов. — Узим узоқ йиллардан буюн спорт билан мунтазам шуғулланиб келаман. Шу ёшга етиб, бирор марта шифокорга ишим тушмаган. Бу гапни марафонда биз аҳоли ўртасида спортнинг фойдали томонларини тарғиб қилишга кўпроқ эътибор қаратамиз.

Кеча эрта тондан юзлаб қорақалпоғистонликлар Нукус шаҳридаги Мустақиллик майдонига тўпландилар. Марафоннинг Нукус — Урганч — Бухоро — Тошкент йўналиши бўйича старт олишига бағишланган тантанادا Қорақалпоғистон Республикаси Жўроғи қўмитаси раиси Кенгасбой Рейимов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Хайитмурод Абдурамонов ва бошқалар сўзга чиқиб тадбир аҳамияти ҳақида тўхтадилар. Марафонда Қорақалпоғистон тарма жамоаси аъзолари билан бирга юзлаб ҳаваскор югурувчилар иштирок этишди. Бутун масофа давомида спортчи ва ҳаваскор атлетикачиларнинг йўлнинг икки томонида ишчибозлар олиқлашб турдилар. Кенга ақин марафон иштирокчилари Хоразм заминига етиб келдилар.

Умуммамлакат марафонининг иккинчи — Термиз — Китоб — Самарқанд — Тошкент йўналишига 19 март куни, учинчи — Наманган — Андижон — Фарғона — Ангрен — Тошкент йўналишига эса 23 март куни старт берилди. Якуний босқич 27 март куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

Янгийоб КўЧҚОРОВ, Зибдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

2005 йил — Сихат-саломатлик йили



Шифобахш маскан

Қибрай туманидаги боғу роғлар билан бурканган ҳушманзара масканда "Умид гулшани" санаторийси жойлашган. Сихатгоҳ 120 ўринга мўлжалланган бўлиб, асосан гинекология ва андрология хасталиқларини даволашга ихтисослашган.

— Бизда юқори малакали шифокор ва ҳамширалар меҳнат қилишади, — дейди санаторий бош шифокорининг даволаш бўйича ўринбосари Гулжаҳон Шодмонова. — Қолаверса, даволаш-таъхис бўлишимиз энг замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган. Беморларнинг дарддан фориғ бўлиб, кўнглидагидек ҳордиқ чиқаришлари учун бизда барча шартнолар яратилган. Шу боис бу ерга республикамизнинг турли бурнақларидан беморлар таъриф буюришади.

Дарҳақиқат, бу масканда даволашни, фарзанд кўриш бахтига муяссар бўлаётган ошларнинг сихатгоҳ жамоасидан миннатдорлик чекис.

СУРАТДА: "Умид гулшани"нинг жонқуяр шифокорлари.

Хўсан АСҚОРОВ олган сурат.

Иродангуз мустаҳкамми?

Чекувчилар ҳар йили тамаки баҳари таъсиридан ўн миллион киши вафот этишини билишармикин? Ҳар минутда тўрт минг чекувчи ҳаётдан кўз юмишини эшитишганмикин?

Баъзи ёшлар, ўспиринлар ҳавас ила ёки олифтагарчилик қилиб чека бошлайдилар. Кейинчалик унга ўрганиб қолганларини ўзлари ҳам пайкамай қоладилар.

Тамаки, папирос, сигарета чекувчилардан бадбўй хид тарқалади. Уларнинг тўшлари тамаки тутуни таъсирида сарғая бошлайди, мўрт бўлиб қолади. Натижада тўшлари 40-50 ёшларда тўша бошлайди. Чунки сигарета тутуни таркибида ўндан ортқ ҳар хил кимёвий захар моддалар бўлиб, улар киши организмига аста-секин таъсир этади.

Авалло, тутун бронхга ўтиб, чекувчи йўтали бошлайди. Кейинчалик бу сурункали бронхитга айланади. Тамаки тутуни ўпкага ўтиши натижа-сида нафас олиш қийинлашади. Бу юрак ва ўпканинг хасталанишига олиб келади. Ўпка раки ҳам чекувчиларда кўп учрайди. Шунингдек, юрак мушаги ишимиси, инфаркт сингари хасталиклар ҳам кўпгина шунинг оқибатида рўй беради. Сигарета тутуни ошқозонга ўтиб, унинг шиллиқ қават-

ларига таъсир этса, гастрит ва кейинчалик ошқозон яраси бошланиши мумкин. Бундай асоратларни била туриб ҳам кашандалар чекишни давом эттиришлари ҳайратланарли ҳол. Уни қандай ташлаш мумкин? Бунга аҳд қилган одам чекишни аста-секин камайтариб бориши, кейин ўндан қутулиши мумкин. Назаримизда, жамоат жойларида, ўқув масканлари, транспортда чекишни тақийлайдиган буйроқ ёки қонун қабул қилиш вақти келмадиммикин?

Ирода кучли бўлса, йимон бутун бўлгай, дейишади. Ирода — бу кишининг ўз сўзи, ваъдаси устидан чиқиси демакдир. Соғлиққа зарар келтирадиган одатдан қўтулган одамнинг эса иродаси кучли бўлади.

Абдулла ИБОДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач.

Шовқин — умр эгови

Яқинда АҚШда чоп этиладиган газеталардан бирида Филадельфия штатида яшовчи Доротея Ларусо ўзининг юз йиллигини бардам, тетик нишонлагани ҳақида мақола чиқди. У муҳбирга «Бу ёшга киришимнинг асосий сабабларидан бири — кар бўлишимдир», деган экан. Шовқин инсонни ҳамма ерда таъкиб этади, айниқса, шаҳарда яшовчиларга кўпроқ таъкиб қилади.

Инсон учун 20-30 децибел зарарсиз ҳисобланади. Бу табиий ҳолатдир. Умуман одамга 80 децибел рўхсат этилган. 130 децибелга тенг шовқин инсонда оғрик пайдо қилади, 150 га кўтарилганда чидаб бўлмайди, 180 децибелда металл чатнаб кетади. Утган асрнинг 60-70 йилларида катта шаҳар йўлларида шовқин ўртача 60-70 децибелни ташкил этган

80 миллион америкалик саломатлигига ҳавф туғдирмакда.

Нью-Йорк шаҳрида шовқин миқдори муттасил 85 децибелдан баян бўлаёттир. Натижада одамларда 30 ёшдаёқ эшитиш қобилияти сўсайишмоқда, аслида бу ҳолат ўртача 70 ёшдан сўнг кузатилиши керак. Ҳозирнинг ўзида икки фукародан бири шовқин таъсирида кун кечиради. Доминий шовқин қон айланиши ва модда алмашинуви жараёнига ҳам таъсир кўрсатади.

Бразилиянинг Сан-Паулу ва Рио-де-Жанейро шаҳарларида шовқин миқдори 92 децибелни ташкил этади ва ҳар йили ўртача 3 децибелга ошиб бормоқда.

Шовқиннинг таъсири ҳайвонларга ҳам жиддий таъсир қилади. Масалан, Англиянинг машҳур Хитроу аэропорти яқинида Виндзор ҳайвонот боғи жойлашган. Утган асрнинг 70 йилларида бу аэропортдан реактив самолётлар учиб бoшлаганида ҳайвонлар шовқиндан ваҳимага тушиб, панжараларни бўзиб ташлаганлар. Шунинг учун у ерда баъзи ҳайвонларнинг пайдоқилиши мўлжалланган бўлиши мумкин.

Товушдан тез учадиган самолётларнинг инсон, ўсимлик ва ҳайвонот дунё-

сига таъсири баян. У учган пайтида 30-50 км кенг пайтида шовқин тўлиқ пайдо бўлади. Бунда миллионлаб одам, ўсимлик ва ҳайвон унинг таъсирида бўлади. Рок-концерт пайтида шовқин 120 децибелга кўтарилиши мумкин. Концертларда фонограмма қўйиб қўлини борапти. Бозорларда қўлоқни батанга келтирувчи музикалар янграмоқда.

Бугунги кунда янги қурилатган биноларда шовқин «ютувчи» мосламалар, айниқса, махсус дераза ва деворларнинг аҳамияти каттадир. Транспорт шовқинини пайдаланишда кўчаларда йўлнинг текислиги, раволиги муҳим. Кейинги пайтларда кўпга охиқ тўйхоналар пайдо бўлмоқда. Тўй пайтида шундай шовқин боған инсон 15-30 тўйга бир амаллаб чидайдими ва охиқ-оқибат тўйхонадан чиқиб кетишга мажбур бўлади.

Мажлисларда маърузачи микрофондан баланд овозда гапирди. Бу ҳам одамга ижобий таъсир кўрсатмайди, албатта.

2005 йил «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинди. Шундай экан, барчамиз, шу жумладан, мутаассад ташкилотлар шовқин муаммосига эътиборни кўмайтирса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Абдумўмин ҚОБИЛЖОНОВ, эколог.

Шовқин кишлоқларга ҳам кириб бормоқда. Афсуски, инсон ўзини ўндан ҳимоя этиш имконига эга эмас. Шу сабабли, шовқин унинг қўлоқ пардаларига босим ўтказида ва охиқ-оқибат асабини бузилишига олиб келади. Айрим ҳолларда у одамни маънавий ва жисмоний кучсизлантиради, ҳолдан тойдирди.

Шовқиннинг инсон саломатлигига салбий таъсири ҳақида ибтидоий жамоа давридан маълум. Унинг таъсирини камайтариш мақсадида, қадимдан чора-тадбирлар белгиланган. Масалан, кечалари темирчи, тунукачи ва мисгарларнинг ишлаш тақийланган ёки бу ҳасб эгалари шаҳардан четга чиқариб юборилган. Рим диктатори Гай Юлий Цезар кечалари шаклилаб юрадиган арвалар кўчаларда юришини ман қилган. Урта асрларда инсонларни черковларнинг катта кўнгиракларини чалиш пайтида қатл

этишган. Ҳозир шовқиннинг организмга таъсири ўрганилмоқда. Масалан, Буэнос-Айрес лабораторияларининг бирида қаламушларни ертўлаларга қамаб, қўнайитириган овоз чиқарувчи мосламалар ўрнатиб қўйишган. Бир неча дақиқа ўтгач, қаламушлар фалаж ҳолатига тушган, олти соатдан кейин эса ҳаммаси ўлган.

Шовқин децибел билан ўлчанади. У инсон қўлоқ пардаларига шовқин босимини таққослаш оқибатида олиниган. Рус олими В. И. Чудовнинг маълумотига кўра, нафас олиш, баргларнинг шивирлаши 10 децибел, каттик гапирмиш 60-70, шаҳар транспортларининг шовқини (мотоцикл, автобус, юк ташувчи автобулов) — ўртача 80-100 децибелни ташкил этади. Реактив самолёт шовқини кўтарилиши пайтида 140, космик кема (ракета) — 175 децибелга тенг.

Билиб қўйган яхши

Бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 100 ва ўндан ҳам зиёд децибелни ташкил этамоқда. Ер қуррасининг йирик шаҳарларида шовқин миқдори ҳар йили ўртача 1 децибелга ошиб бормоқда. Шу боис, 50-60 йилдан сўнг шовқин кучи яна қанчага кўпайишини башорат қилиш қийин эмас. Ҳозирнинг ўзида айрим минтақаларда «шоққиндан ифлосланиш» ҳолатлари кузатишмоқда. Масалан, Англия аҳолисини 14,5 миллионга ўз хонадонларида 65-70 децибелга тенг шовқин таъсирида яшайдилар.

Америка Қўшма Штатларида «шовқиндан ифлосланиш»га қарши кураш сува ҳаво мусаффолигини асрашдек долзарб масалага айланган. Шовқин қарий

TOШKENT ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ эгалланган лавозимларга қуйидаги кафедралар бўйича танлов эълон қилади: 1. Нейрореабилитация ва рефлексотерапия — ассистент. 2. Акушерлик-гинекология ва перинатал тиббиёти — кафедра мудир. 3. 2- акушерлик ва гинекология — ассистент. 4. Врачлар меҳнат экспертизаси — доцент. 5. Юқумли касалликлар — кафедра мудир, доцент. 6. 1-стоматология — ассистент. 7. Жарроҳлик стоматологияси — ассистент. 8. Кардиология ва функционал диагностика — ассистент. 9. Гигиена — кафедра мудир, катта ўқитувчи. 10. Онкология — кафедра мудир. 11. Фтизиатрия — кафедра мудир, профессор. 12. Эндокринология — кафедра мудир. 13. Ўсимирлар, қақурув ёшидагилар касалликлари ва тиббий экспертизаси — курс мудир. 14. Неонатология — ассистент. 15. Эпидемиология — кафедра мудир. Маълумот учун телефон: 68-27-54.

Ўрматли ҳамшаҳарлар! СИЗ ХИЗМАТДА, САФАРДА, МЕҲМОНДА, ДАМ ОЛИШ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИДА, КИНО ВА ТЕАТРДА, КўНДАЛИК ТАШВИШЛАР БИЛАН БЎЗОР ВА ТРАНСПОРТЛАРДА ЮРГАН ПАЙТИНГИЗДА ХОНАДОННИНГИЗ ВА МУЛКИНГИЗНИ ЖИНОИЙ ТАЖОВУЗЛАРДАН КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ? БУНДАЙ ХИЗМАТНИ ШАҲРИМИЗДАГИ МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ҚўРИҚЛАШ ПУЛЬТЛАРИ БАЖАРАДИ. УШБУ ПУЛЬТЛАР БУ БОРАДАГИ ЭНГ ИШОНЧЛИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЖИХАТДАН ЭНГ АРЗОН ҚўРИҚЧИДИР! ХОНАДОННИНГИЗ ВА МУЛКИНГИЗ ДАХЛСИЗЛИГИНИ ИСТАЙСИЗМИ? МАРҲАМАТ ҚИЛИБ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ ХУЗУРИДАГИ ҚўРИҚЛАШ БОШҚАРМАСИ ВА ТУМАН ҚўРИҚЛАШ БўЛИМЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ! Мурожаат учун телефонлар: 133-37-83, 134-01-69, 133-01-44.

Дехқон, фермер ва ширкат хўжалиқлари диққатига! ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОВАР ХОМАШЁ БИРЖАСИ 2005 йил 22 март куни соат 11.00 да Янгийўл ёғ-мой комбинатининг ем ва кунжара маҳсулотларини сотиш бўйича аукцион савдолари ўтказди. Катнашчиларни рўйхатга олиш савдо ўтказила-диган куни соат 9.00 дан Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 53-А уй биносида (Давлат мулки қўмитаси биносининг қақанотида) ўтказилади. Аукцион савдоларига қўйиладиган ем ва кунжаранинг миқдори ҳамда бошланғич нархлари тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси Товар хомашё биржасидан олишингиз мумкин. Маълумот учун телефон (факс): 139-83-88.

«Узавтоўл» ДАК Автомобиль йўллар бирлашган дирекцияси жамоаси бош мутахассис Абдураим Умарова волидан муҳтарамаси Ойқиз ая ҚУРБОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ЛИНОЛЕУМЛАРНИ ТўШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ. Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан. Автомобиллар ва ишлаб чиқариш хоналари учун емирилишга чидамли ТРАНСЛИН қопламаси. Телефон 134-48-11

ЎZLOTTO KUNDALIK 24-тиражининг ҳисоботи: тушган рақамлар 07.03.05 08.03.05 09.03.05 10.03.05 11.03.05 12.03.05; кетма-кет тўғри топилган сонлар миқдори 4 5 7 0; йутқ (сўм) 200 000; йутқли ставкалар сони 4 3 2 0 4 2 2; 24-тиражининг ҳисоботи: Тираж ўтказилган сана: 2005 йил 9 март; Тираж ўтказилган сана: 2005 йил 12 март; Тираж ўтказилган сана: 2005 йил 19 март; Уйналган йутқлар: йутқ сони, йутқ фонди (сўм), йутқлар сони, бир ставка йутқи (сўм); Тўқин ҳаёт сари!

Халқ сўзи Народное слово МУАССИЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 261. 32634 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғоев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди. Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳа яқини — 21.00 Тошпирилди — 2 3 4 5 6

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров. Навбатчи — З. Ашурова. Мусаххач — Ш. Матраббоев.